



SOURCES ON THE ACTIVITIES OF GURAK AND THEIR ANALYSIS

Ismoiljon Boymirzaev

Lecturer

Fergana State University Academic lyceum

Uzbekistan, Fergana

ABOUT ARTICLE

Key words: Yazdgird Gurak, China, the ruler of al-Shash, the Ikhshidi of Fergana, the Turkic khagan, A'sam al-Kufi, Qutayba ibn Muslim.

Received: 10.12.24

Accepted: 12.12.24

Published: 14.12.24

Abstract: The article presents for the first time translations of legal documents in Arabic and Chinese, as well as their analysis. Gurak wrote letters to China, the ruler of al-Shash, the Ikhshidi of Fergana, and the Turkic khagan, calling on them to help against the Arabs. Brief notes about his request for help from China have survived to our days in the Tang chronicles. The original text of the treaty concluded between Qutayba ibn Muslim and Gurak is quoted in the work of the Arab historian A'sam al-Kufi.

ГУРАК ФАОЛИЯТИГА ДОИР МАНБАЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Исмоилжон Боймирзаев

ўқитувчи

Фарғона давлат университети академик лицейи

Ўзбекистон, Фарғона

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Яздигирд Гурак, Хитой, аш-Шош ҳукмдори, Фарғона ихшиди, турк хоқони, Аъсам ал-Куфий, Қутайба ибн Муслим.

Аннотация: Мақолада илк марта араб тилидаги, шунингдек, хитой тилидаги юридик ҳужжатларнинг таржималари ҳамда уларнинг таҳлили келтирилган. Гурак Хитой, аш-Шош ҳукмдори, Фарғона ихшиди ва турк хоқонига мактублар ёзиб, уларни арабларга қарши ёрдамга чақирди. Хитойдан ёрдам сўрагани ҳақида Танг солномаларида қисқача қайдлар бизнинг кунимизгача етиб келган. Араб тарихчиси Аъсам ал-Куфий асарида Қутайба ибн Муслим ва Гурак ўртасида тузилган шартноманинг асл матлари келтирилган.

ИСТОЧНИКИ О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГУРАК И ИХ АНАЛИЗ**Исмоилжан Боймирзаев**

преподаватель

Академическая лицей Ферганского государственного университета

Узбекистан, Фергана

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Йездигирд Гурак, Китай, правитель Аш-Шоша, Ихшиди Ферганский, Тюркский хан, Асам аль-Куфи, Кутайба ибн Муслим.

Аннотация: В статье впервые представлены переводы арабских и китайских юридических документов и их анализ. Гурак Китай, правитель Аш-Шоша, Ферганы и Ихшиди написал письма турецкому хану, призывая его помочь против арабов. Краткие записи о его просьбе о помощи из Китая дошли до наших дней в танских хрониках. В работе арабского историка Асама аль-Куфи записан оригинальный текст договора, заключенного между Кутайбой ибн Муслимом и Гураком.

КИРИШ

Тарихий шахслар фаолиятига баҳо беришда улар яшаган давр, сиёсий шароит, ижтимоий воқеликларга холис ёндашиш талаб этилади. Бу эса ўша шахсга нисбатан жамоатчиликда тўғри фикр шаклланишига хизмат қилади. Тарихимизда муносиб из қолдирган сиймоларни ўрганиш бой тарихий меросга эга халқимизнинг ўзлигини англашига хисса бўлиб қўшилади. Гарчи қадимидан бугунга қадар бўлган воқеликлар илмий адабиётлар, бадий асарлар ва ҳаттоки дарсликларда ўз ўрнини топаётган бўлса-да, олдинда қилнадиган ишлар беҳисобдир. Жумладан тарихий сиймоларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиш, тарихий жараёнлардаги ўрнига баҳо бериш, ютуқларини ўрганиш ва камчиликларидан хулосалар чиқариш ҳозирги кунимиз учун муҳим аҳамият эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги кунга қадар жаҳон тарихшунослигида ва мамлакатимизда Марказий Осиё тарихи тўғрисида салмоқли илмий асарлар яратилган. Ушбу тадқиқотларда Ўрта Осиё тарихининг айрим жиҳатлари хусусида жиддий мулоҳазалар учрайди. Уларни географик ҳамда даврий жиҳатдан 3 гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1) хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётлар; 2) Россия империяси ва совет даврида яратилган илмий асарлар; 3) мустақиллик йилларида нашр этилган тадқиқотлар.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

30/650-51 йилда Сосонийлар сулоласига мансуб охириги шоҳаншоҳ Яздигирд араблардан қочиб Хуросонга келганда, турк хоқони ва Ғурак (غورک) га элчилар юборди ва уларни арабларга қарши ёрдамга чақирди [1]. Лекин бу Ғурак Самарқанд ҳукмдори

бўлганми ёки йўқми, бу ҳақида манбада аниқлик киритилмаган. 91/709-10 йилда Самарқандда ҳокимият ўзгарди. Самарқанд аслзодалари ихшид Тархунни араблар билан сулҳ тузгани учун тахтдан ағдариб, унинг ўрнига Ғурак (Уғрак) ни тахтга ўтқиздилар. 93/711-12 йилда Қутайба Самарқандга юриш қилди ва ўзини ихшид Тархуннинг қони учун қасоскор деб эълон қилди. Ғурак Хитой, аш-Шош ҳукмдори, Фарғона ихшиди ва турк ҳоконига мактублар ёзиб, уларни арабларга қарши ёрдамга чақирди. Хитойдан ёрдам сўрагани ҳақида Танг солномаларида қисқача қайдлар бизнинг кунимизгача етиб келган: “Еттинчи Кай-юан йилининг (719-йил) иккинчи ойида кенг-у кун Самарқанд ҳукмдори Улега (Ғурак) Хитой императорига шу шаклда талабнома (хат) юборди:

Тобеингиз Улега (Ғурак) шуни маълум қиладики: Тобеингиз, Осмоннинг инояти билан бутун коинот устидан ҳукмронлик қилувчи илоҳий император амри остидаги ўн мингта ўн минг (бир миллион)лик бир заминда, отларингизнинг оёқлари остида эзилган ўтлар ва тупроқ мисоли бир қулингиздир. Оила аъзоларим ва ҳоказо турли Ху (суғдийлар ва бошқа ўтроқ халқлар – тарж.) ҳукмдорликлари узоқ вақтдан бери сизнинг буюк императорлигингизга чин кўнгилдан бўйсунган ва буюк императорлигингизга қарши ҳеч бир вақт исён кўтармаган, зарар келтирмаган. Аксинча, буюк императорлигингизга фойдали бўлиш учун ҳаракат қилгандир. Шу онларда биз нақд ўттиз беш йилдир Даши (араб) босқинчи галаларига қарши жанг қилмоқдамиз. Ҳар йили императорликнинг лутфи карамидан фойдаланиб, унинг аскарларидан ҳеч қандай бир ёрдам олмасдан, ўзимизнинг кўп сонли жангчи ва суворийларимиз билан сафарга чиқдик. Олти йил аввал Даши (араб) бош кўмондони Ими Кутебо (Амир Қутайба) сон-саноксиз кўшин билан бу ерга келди. Бизга ҳужум қилди, душманларимизга оғир зарба бердик, аммо биздан ҳам жуда кўп киши ҳалок бўлди ва жароҳатланди. Араб пиёда аскарлари ва суворийлари ҳаддан ташқари даражада кўп бўлганликлари ва бизнинг пиёда аскарларимиз уларга тенг кела олмаслигини билиб, қалъа деворининг орқасига чекиндим. Шу тариқа араблар шаҳар (Самарқанд)ни қуршаб олдилар. Қалъа деворларининг рўпарасида уч юз манжаник (девор тешар мослама) ўрнатдилар. [Шаҳар деворининг] уч томонидан учта катта тешик очдилар. Шаҳримизга ва ҳукмдорлигимизга барҳам беришни истайдилар. Аҳволдан хабардор қилинган императорликдан ушбу қийин кунларимизда ёрдамга келишлари учун бир миқдор аскар юборишга лутф этишларини ожизона равишда илтимос қиламан. Ушбу арабларга келсак, улар фақат бир аср кучли бўлишлари мумкинки бу йил ўша йиллари якунининг охириги йилидир. Агар хитой кўшини бу ерга келишса, мен ва халқим тамоман арабларни енга оламиз. Ҳозир сизга мукамал бир от, битта Эрон туяси ва иккита хачирни бажонидил совға қилмоқдаман. Агар зоти олийлари мени ҳадяларга мушарраф қилишни истасалар, уларни

менга келтириб берадиган элчимга берсинлар. [Йўлда] талон-торож қилинмаслигини умид қиламан” [2].

Умуман олганда Марказий Осиё ҳукмдорлари Хитойдан ёрдам олишга ҳаракат қилади. Жумладан, Бухоро ҳукмдори Туғшода (695-720) ҳам Танг императорига мактуб йўллади: “Еттинчи Кай-юан йилининг (719 йил) иккинчи ойида Ан (Бухоро) ҳукмдори Дусаботи (Тукаспадак / Туғшода) баъзи масалаларнинг долзарб эканлигини таъкидлаб (хитой императорига) куйидаги арзнома (хат)ни етқизиш учун элчи юборди:

Тобеингиз Дусаботи (Тукаспадак / Туғшода) шуни маълум қиладики: Тобеингиз, Осмоннинг инояти билан бутун коинот устидан ҳукмронлик қилувчи илоҳий император амри остидаги бир ўн мингта ўн минг (миллион)лик бир заминда, отларингизнинг оёқлари остида эзилган ўтлар ва тупроқ мисоли бир қулингиздир. Узоқ масофадаги ўз ўрнимда туриб, қўлларимни қовуштирган ҳолда тиз чўкаман ва зоти олийларининг ҳиммат ва марҳаматларига кўкка топинган каби топинаман. Бухоро ҳукмдорлигига эгалик қилган кунимиздан шу пайтгача оила аъзоларим ҳеч қандай узилишсиз бир равишда тахтни бир-бирларига мерос қолдирганлар. Қўшинлари ва бошқа воситалар билан самимият билан императорликка хизмат қилганлар. Сўнги йиллардан ҳозиргача ҳар йили Даши (араб) босқинчи галаларининг ишғол ва ваҳшийликларидан безор бўлди ва ўлкамизда ҳузр-ҳаловатдан асар ҳам қолмади. Императорликнинг қудратли қўллари билан ушбу қийин кунларимизда менга ёрдам қилишларини шахсан илтимос қиламан, шунингдек, Ту-кюе-ши (Ғарбий Турк / Тургаш хоқонлиги)га менга ёрдамга етишишлари учун (махсус) бир фармон билан буйруқ беришингизни сўрайман. Мен ҳам аскарларим ва суворийларимга бош бўламан ва маълум бир учрашув жойида Даши (араб)ларнинг томирини кўпорамиз. Императорликнинг илтимосимга мос бир ҳиммат кўрсатишларини ожизона равишда талаб қиламан. Ҳозир совға сифатида иккита Эрон хачири, битта жилвакор Фулин (Византия) гилами, ўн беш кило Ю-кин мушки ва юз кин (60 кг) табиий шамни юбормоқдаман. Ушбу ҳадяларнинг изидан зоти олийларидан менинг шахсимга учинчи даражадан бир унвон бағишлашингизни илтимос қиламан. Шунингдек, рафиқам Хотун қиролича хонимга иккита чоби (?) гилами билан бир дона безакдор гилам юбормоқда. Агар император ҳазратлари лутф қилсалар менга эгаржабдуқлар, юган-жиловлар, қурол-аслаҳалар, кийим-кечаклар ва камарлар ҳадя қилинишини, рафиқам Хотунга эса кийим-кечаклар ва упа-эликлар берилишини сўрайман” [3].

Юқоридаги сўровга асосан хитойликлар ҳарбий ёрдам юборганлиги тарихий манбаларда маълумотлар йўқ. Турклар хоқоннинг ўғли бошчилигида қўшин юбордилар. Лекин араблар уларнинг йўлига пистирма қўйиб, тўсатдан хужум қилдилар ва ҳаммаларини қириб ташладилар. Араблар Ғурак бошчилигидаги турклар, шошликлар ва

фарғоналиклардан иборат қўшин билан жанг қилдилар ва уни мағлубиятга учратдилар. Қутайба шаҳарга кириб, Ғурак билан сулҳ тузди. Сулҳ шартларига кўра, Ғурак Қутайбага 2 млн. дирҳам ва ҳар йили 200 минг дирҳам, 3 минг бош қул бериши лозим эди, қуллар ичида ёш болалар ва қариялар бўлмаслиги керак эди. Ундан ташқари Ғурак шаҳардаги оташпарастлар ва бутпарастларнинг ибодатхоналарини арабларга топшириши ва шаҳарни бўшатиб, ундан чиқиб кетиши лозим эди. Қутайба шаҳарга бир дарвозадан кириб, унда намоз ўқиши ва Ғурак тайёрлаган таомлардан тановул қилиб, бошқа дарвозадан чиқиб кетишини шарт қилиб қўйди. Ғурак бу шартларнинг ҳаммасига рози бўлди ва сулҳга имзо қўйди. 106/724-25 йилда Ғуракнинг укаси Фарғонада турк хоқонининг қўшини билан арабларга қарши жангда ҳалок бўлди. 110/728-29 йилда Хуросон волийси Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Сулабий Самарқанд аҳлига мактуб ёзиб, ислом динини қабул қилишга даъват этди ва ислом дини қабул қилганларни жизя тўловидан озод қилишга ваъда берди. Шундан кейин Самарқанд аҳли ислом динини қабул қилдилар. Кейин ихшид Ғурак Ашрасга мактуб ёзиб, Самарқанд аҳли ислом динини қабул қилгандан кейин хирож тўловларидан тушум тўхтаб қолгани ҳақида хабар берди. Шунда Ашрос уларга яна жизя тўловини мажбурий деб эълон қилди. Бундан норози бўлган суғдлар ва турклар турк хоқони бошчилигида арабларга қарши кўзғолон кўтардилар. Ғурак арабларнинг қўшини билан уларга қарши кураш олиб борган эди. Бухоро яқинида бўлган жанглардан бирида Ғурак турклар томонга ўтиб кетди. Турк хоқонининг қўшинида арабларга қарши Ғуракнинг ал-Мухтор исмли ўғли ҳам жанг олиб борган эди. 112/ 730-31 йилда Ғурак Самарқанд яқинида турк хоқони билан бирга арабларга қарши жангда иштирок этди. Ғурак арабларга омонлик ваъда қилганда, хоқон унинг берган сўзини бекор қилди. Шунда Ғурак асирга тушган арабларга: “Мен хоқоннинг қулларидан бириман, унинг чокарларидан бириман”, – деди [4]. 225/839-40 йилда Бағдодда халифа Муътасим саройида Уструшана ҳукмдори ал-Афшин Ҳайдар ибн Ковус устидан давлатга хиёнат қилиш ва исломдан қайтиш айблови билан ўтказилган суд жараёнида Ғуракнинг ал-Марзубон ибн Туркаш Бақи исмли авлодларидан бири асосий гувоҳ сифатида иштирок этди [5]. У Ғуракнинг Бонижур (بانيجور) исмли ўғлининг 4-авлоди бўлган. X асрда Самарқандда унинг авлодлари яшаганлар ва ҳадис ривоят қилганлар [6]. Насаф вилоятида Ғуракнинг Турхор (طورخار) исмли катта ўғлининг авлодлари яшаганлар [7].

Қутайба ибн Муслим ва Самарқанд ҳукмдори Ғузак (Ғурак) ўртасида 93/711-12 йилда араб тилида тузилган сулҳнинг тўлиқ матни фақатгина Ибн Аъсам ал-Куфийнинг “Китоб ал-Футух” асарида келтирилган бўлиб, ушбу диссертацияда биринчи марта ўзбек тилидаги таржимаси илмий муомалага киритилмоқда:

Ғузак ибн Ихшид билан ёзилган аҳд (шартнома)нинг зикри.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

Қутайба ибн Муслим ибн Амр ал-Баҳилий Ғузак ибн Ихшид Афшин ас-Сўғд рози бўлгач, унга Аллоҳнинг аҳдини ва унинг ҳимоясини, элчиси бўлган Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳимоясини ваъда қилган ҳолда, мўминлар амири Валид ибн Абдулмалик ибн Марвоннинг ҳимояси ва мўминларнинг ҳомийси шаҳзода ал-Ҳажжож ибн Юсуф ибн ал-Ҳакамнинг ҳимояси ва Қутайба ибн Муслимнинг васийси бўлгани учун у билан Самарқандда унинг номидан сулҳ тузди.

Шартномада унинг ерлари, хўжаликлари ва барча чегара ҳудудлари ҳозир икки минг дирҳам ва йилига икки юз минг дирҳам, шунингдек уч минг бош қуллар (улар орасида касалманд ёки қариялар бўлмасин) юборсин. Ва Абдуллоҳ Валид ибн Абдул Малик ибн Марвон, шаҳзода Ал-Ҳажжож ибн Юсуф ва шаҳзода Қутайба ибн Муслимга итоат этсин ва шартга кўра Ғузак ибн Ихшид Афшин ас-Сағд Қутайба ибн Муслим рози бўлган пул ва қулларни тўласин ва буни ўз юртидан ўлпон сифатида унга юборсин.

Унга ўлпон ҳар бир одам учун икки юз дирҳамдан ҳисобланган ва ҳар бир кийим учун юз дирҳамдан, кичиклари учун олтмиш дирҳамдан ва ҳар қандай ипак учун ҳам худди шундай, ҳар бир хонадон учун йигирма саккиз дирҳамдан ҳисобланади. Қизил дирҳам (олтин) учун эса ҳар бир мисқол йигирма дирҳам, оқ кумуш учун бир мисқол қилиб белгиланди. Бу Қутайба ибн Муслимнинг аҳдидир, агар Ғузак бин Ихшид Афшин ас-Сағд рози бўлмаса ёки унга қарши бирор иш қилса, унга хиёнат қилса Қутайба ибн Муслимуни вайрон қилади ва рози бўлганидан кўпини олади.

Қутайба ибн Муслим уни қўллаб-қувватлаш ва унга ёрдам бериш учун: “Эй Ғузак ибн Ихшид, мен сени Самарқанд, унинг юрти, чегаралари, Каш ерлари ва қалъаларига подшоҳ қилиб қўйдим. Мен унинг бошқарувини сенга топширдим ва унинг устидан сенинг муҳрингни олдим ва ҳеч ким сенга эътироз билдирмайди ва бундан кейин ҳам Хуросоннинг валийлиги менда бўлса, подшоҳлик абадий ўғлингникидир”- деди. Ибн Ал-Мунзир ал-Бакрий, Дирар ибн Ҳусайн ат-Тамимий, Алба ибн Ҳабиб ал-Абқосий, Муовия ибн Амир Ал-Киндий ва Ваки' ибн Абу Суд бунга гувоҳлик берганлар.

Ал-Ҳанзолий, Иёс ибн Набҳон, Ал-Ашжа' ибн Абдул-Раҳмон, Ал-Муҳаррир бин Ҳамрон, Ал-Мажшар (1) бин Музоҳим, Абдуллоҳ ибн Ал-Азвар, Ал-Фудайл бин Абдуллоҳ Усмон ибн Рожа', Ал -Ҳасан ибн Муовия, Ал-Фудайл ибн Бассам ва Собит ибн Аби Собит, Қутайба ибн Муслимнинг ёзувчиси, хижрий тўқсон тўртинчи (милодий 712-йил) йилда ёзганлар. У деди: Қутайба ибн Муслим бу аҳдга гувоҳларни муҳрлари билан муҳрлаб қўйди ва аҳдни Ғузак ибн Ихшидга топширди, бу ҳақда Фурот ибн Абдуллоҳ ас-Сунний айтган.

Қутайба ибн Муслим укаси Абдурраҳмон ибн Муслимни (4) чақириб, улар ажралиб кетмасликлари ва уларни хиёнат қилмасликлари учун уни Самарқанд шаҳрига жойлаштирди ва у ердан Марв шаҳрига кетди. Ҳажжожга Аллоҳ таоло Самарқандда у учун

нима фатҳ қилган бўлса ва у кимлар билан сулҳ тузгани ҳақида хабар берди. Самарқанд молининг бешдан бир қисмини унга васият қилди [8].

Ал-Якубийга кўра, бу сулҳ 94/712-13 йилда тузилди. ат-Табарийга кўра, Ғурак арабларга 30 минг бош қул бериши ва улар орасида болалар, қариялар ва майиблар бўлмаслиги керак эди. Бошқа маълумотга кўра, берилиши лозим бўлган қулларнинг сони 100 минг эди. Ундан ташқари суғдлар шаҳарни арабларга бўшатиб беришлари керак эди [9]. Ибн Аъсамга кўра, Ғузак арабларга 3 минг бош қул бериши ва улар орасида болалар ва қариялар бўлмаслиги керак эди. Ундан ташқари ибодатхоналардаги санамларни бериши, мусулмонлар учун масжид қуриши ва шаҳарни арабларга бўшатиб беришлари керак эди. Қутайба одамлари билан шаҳарга кириб намоз ўқиши ва таом тановул қилиб, кейин чиқиб кетиши ҳам шарт қилиб белгиланган эди [10]. Ғузак буларнинг ҳаммасига рози бўлди. Қутайба Кеш ва Насаф дарвозасидан кириб, ас-Син дарвозасидан чиқиб кетишини айтди ва таом тайёрлашни буюрди [11].

Табарий келтирган маълумотга кўра, сулҳда кўрсатилишича, шаҳарда масжид ва минбар қурилиши, Қутайба унга кириб, намоз ва хутба ўқиши, кейин таом тановул қилиб, шаҳарни тарк этиши лозим эди [12]. Араблар мадинада ўзлари қолиб, масжид қурдилар. Қутайба намоз ва хутба ўқиди. Кейин у таом тановул қилди ва суғдларга одам юбориб, деди: “Нарсаларингизни олиб кетишингиз мумкин. Мен бу ердан ҳеч қаерга кетмайман”. Бошқа маълумотга кўра, Ғурак (Ғузак) таомлар тайёрлаб, арабларни зиёфатга таклиф қилди. Қутайба таомларни тановул қилиб бўлиб, Ғурак (Ғузак) га деди: “Энди шаҳарни тарк эт”, ва Ғурак (Ғузак) шаҳардан чиқиб кетди [13]. Ибн Аъсамга кўра, Ғузак шаҳарнинг Кеш ва Насаф дарвозасини очишни буюрди. Мусулмонлар шаҳарга кириб, Қутайба ака-укалари билан Ғузакга яқинлашди ва Ғузак қуролсиз эди ва Қутайбага таъзим қилди. Кейин Ғузак Қутайбанинг олдига тушиб, уни шаҳар ибодатхонасига олиб борди. Қутайба Ғузакнинг ғуломларига синчиклаб қаради, уларнинг камарлари олтиндан қилинган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Қутайба бундан қаттиқ ғазабга келиб, ҳатто унинг кўзлари қизариб кетди. Шунинг учун у Ғузакга берган сўзидан қайтишни истаб қолди ва бу ҳолат унинг юзида яққол акс этди. Ле- кин у тезда ўзини ўнглаб олди. Кейин таомлар келтирилди ва араблар уларни тановул қилдилар. Қутайба ўрнидан туриб, 2 раъат намоз ўқиди ва котибини чақириб, сулҳ ахдномасини ёзишни буюрди [14].

ХУЛОСА

Суғд ҳукмдори сифатида араб истилосига қарши йигирма йилдан зиёд кураш олиб борди. Унинг мақсади сулҳ дипломатияси орқали юрти Суғд ва бутун Мовароуннаҳр тинчлигини таъминлаш эди. Энг асосийси Ғурак бошлаган қаршилик ҳаракати яна ўн

йиллар бошқа маҳаллий ҳукмдорлар (Диваштич, Ашканд, Сулукхон, Алутар) томонидан давом эттирилди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Abu Djafar Mohammed ibn Djarir at-Tabari, Annales / Ed. M.J. de Goeje, I – III series. Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1964. I. – – P. 2685.
2. Chavannes E. Çin yıllıklarına göre. – S. 262-264.
3. Chavannes E. Çin yıllıklarına göre. – S. 262.
4. Abu Muhammad Ahmad ibn A‘tham al-Kufi. Kitab al-Futuh / Ed. by Sayyid ‘Abdul Wahab Bukhari (First Edition). I – VIII volumes. Hyder- abad: Osmaniya University, 1388 1390 – 1390/1968 – 1970. VII. – – P. 239-246.
5. Abu Djafar Mohammed ibn Djarir at-Tabari, Annales / Ed. M.J. de Goeje, I – III series. Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1964. III. – – P. 311.
6. Najm al-Din ‘Umar ibn Muhammad al-Nasafi. Al-Qand fi dikr-i ‘ulama’-i Samarqand / Ed. by Yusuf al-Hadi. Tehran: Ayene-ye Miras, 1378/ 1420/1999. – – P. 423.
7. Najm al-Din ‘Umar ibn Muhammad al-Nasafi. Al-Qand fi dikr-i ‘ulama’-i Samarqand / Ed. by Yusuf al-Hadi. Tehran: Ayene-ye Miras, 1378/ 1420/1999. – – P. 290.
8. Abu Muhammad Ahmad ibn A‘tham al-Kufi. Kitab al-Futuh / Ed. by Sayyid ‘Abdul Wahab Bukhari (First Edition). I – VIII volumes. Hyder- abad: Osmaniya University, 1388 1390 – 1390/1968 – 1970. VII. – – P. 244-246.
9. Abu Djafar Mohammed ibn Djarir at-Tabari, Annales / Ed. M.J. de Goeje, I – III series. Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1964. II. – – P. 1245-1246.
10. Asl arab tilidagi matn quyidagicha: **ذكر العهد الذي كتب الغوزك بن أخشيد بسم الله الرحمن الرحيم، هذا ما صالح قتيبة بن مسلم بن عمرو الباهلي غوزك بن أخشيد أفشين السغد، إنه صالحه وشرط له بذلك عهد الله وميثاقه وذمته، وذمة رسوله محمد (صلى الله عليه وسلم وآله)، وذمة أمير المؤمنين الوليد بن عبد الملك بن مروان، وذمة الأمير الحجاج بن يوسف بن الحكم، وذمة المؤمنين، وذمة قتيبة بن مسلم، فصالحه عن سمرقند ورساتيقها كس ونسف أرضها ومزارعها وجميع حدودها على ألفي ألف درهم عاجلة، ومائتي ألف درهم في كل عام، وثلاثة آلاف رأس من الرقيق ليس فيهم صبي ولا شيخ على أن يسمعوا ويطيعوا لعبد الله الوليد بن عبد الملك بن مروان وللأمير الحجاج بن يوسف وللأمير قتيبة بن مسلم، وعلى أن يؤدي غوزك بن أخشيد أفشين السغد ما صالحه عليه قتيبة بن مسلم من مال ورقيق، فما أعطى من ذلك في جزية أرضه من السبي يحسب له كل رأس بمائتي درهم، وما كان من الثياب الكبار كل ثوب بمائة درهم والصغار بستين درهما، وما كان من حرير فكل شقة بثمانية وعشرين درهما، والذهب الأحمر كل مثقال بعشرين درهما، والفضة البيضاء مثقال بمثقال، وعلى قتيبة بن مسلم العهد والميثاق أنه لا يعمل على غوزك بن أخشيد أفشين السغد بشيء ولا يغدر به ولا يأخذ منه أكثر مما صالحه عليه، فإن خرج على غوزك بن أخشيد عدو من الأعداء فعلى قتيبة بن مسلم أن ينصره ويعاونه على عدوه، ويقول قتيبة بن مسلم بأني قد ملكتك يا غوزك بن أخشيد سمرقند وأرضها وحدودها وكس ونسف وبلادها وحصونها، وفوضت إليك أمرها، وأخذت خاتمك عليها، لا يعترض عليك معترض، وأن الملك من بعدها لولدك أبدا ما دامت لي ولاية بخراسان، شهد على ذلك الحصين بن المنذر البكري وضرار بن حصين التميمي وعلباء بن حبيب العبقي ومعاوية بن عامر الكندي ووكيع بن أبي سود الحنظلي وإياس بن**

نبهان والأشجع بن عبد الرحمن والمحمر بن حمران والمجشر (1) بن مزاحم وعبد الله بن الأزور والفضيل بن عبد الله وعثمان بن رجاء والحسن بن معاوية والفضيل بن بسام، وكتب ثابت بن أبي ثابت كاتب قتيبة بن مسلم في سنة أربع وتسعين. قال: وختم قتيبة بن مسلم الشهود بخواتيمهم على هذا العهد، ودفع العهد إلى غوزك بن أخشيد، فأنشأ الفرات بن عبد الله السني (2) يقول في يرى الموت من عادى قتيبة مجهرا * وليس بوقاف ولا بمواكل ولكنه سمح بنفس كريمة * يصول بها يوم الفنا والقبائل: (3) ذلك فما لأبي حفص يزيد إذا سما * بأر عن مثل الطود جم الصواهل حوى السغد حتى شاع في الناس ذكره * ونال التي أعتيت على المتناول ونال التي قد رامها الناس قبله * فأعيوا وأمسى ذكره غير خامل قال: ثم دعا قتيبة بأخيه عبد الرحمن بن مسلم (4) فجعله مقوما بمدينة سمرقند لئلا ينكثوا ولا يغدروا، ثم أقبل إلى مدينة مرو فنزلها، وكتب إلى الحجاج يخبره بما فتح الله عليه من سمرقند وما كان من صلحه إياهم، ووجه إليه الخمس من أموال سمرقند.

11. Abu Muhammad Ahmad ibn A‘tham al-Kufi. Kitab al-Futuh / Ed. by Sayyid ‘Abdul Wahab Bukhari (First Edition). I – VIII volumes. Hyder- abad: Osmaniya University, 1388 1390 – 1390/1968 – 1970. VII. – – P. 243.

12. Abu Djafar Mohammed ibn Djarir at-Tabari, Annales / Ed. M.J. de Goeje, I – III series. Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1964. II. – – P. 1245.

13. Abu Djafar Mohammed ibn Djarir at-Tabari, Annales / Ed. M.J. de Goeje, I – III series. Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1964. II. – – P. 1245-1246, 1250.

14. Abu Muhammad Ahmad ibn A‘tham al-Kufi. Kitab al-Futuh / Ed. by Sayyid ‘Abdul Wahab Bukhari (First Edition). I – VIII volumes. Hyder- abad: Osmaniya University, 1388 1390 – 1390/1968 – 1970. VII. – – P. 243-244.